

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ФРАНЦУЗ ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

**ФРАНЦУЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИ ВА ТИЛ ТАРИХИ
КАФЕДРАСИ**

ШАРИПОВА ГУЛШОДА

КУРС ИШИ

**МАВЗУ: “ТИЛДА СИНТАКТИК
МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИГА ДОИР”**

ТОШКЕНТ - 2009

КИРИШ

Тилшуносликда синтактик муносабатга доир баъзи мулоҳазалар

Синтактик алоқаларни ифодаловчи воситалар

ХУЛОСА

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Составли гапларнинг семантик ва синтактик хусусиятлари

Ўзбек ва француз тилида тўлиқсиз гапларнинг коммуникатив хусусиятлари

Кириш

Синтаксис биринчи навбатда сўз бирикмасини ўрганувчи соҳа сифатида таърифланади. Сўзни сўз туркуми жиҳатдан тавсифлашга сўз тузилиши, унинг бошқа сўз билан бирикувидан ҳосил бўлган қўшилманинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишимиз мумкин. Сўз, сўз бирикмаси турли кўринишдаги мураккаб конструкциялар ҳосил қилади, ҳамда сўз синтаксиснинг энг кичик бирлиги бўлиб,¹ у гап қурилиши учун ниҳоятда зарур.

Синтаксис таҳлил муаммолари ва синтактик структураларни системалаш методлари замонавий лингвистикада марказий ўринни эгаллайди.

Гапнинг қисмларга ажралишининг долзарблиги ва классик грамматиканинг долзарб синтаксис назарияси параллел ривожланишини давом эттиряпти.

Анъанавий ёки классик грамматикада оддий синтактик қурилишига эга бўлган қўшма сўзлардан тортиб, мураккаб сўзлар мазмун-моҳиятигача улар орасидаги муносабат шакллари ва ниҳоят уларни системалашгача синтактик муносабатлар намоён бўлади.

Француз тили синтактик структурасининг семантик таҳлили XIX аср ва XX асрнинг машҳур романнавислари ишларида ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган. Тажрибадан тўпланган фактлар ва уларни системалаштириш тамойиллари лингвистикада замонавий йўналиш нуқтаи назаридан ташкил топган.

Синтаксиснинг асоси гап ҳақидаги таълимотдир. Синтаксисда сўзларни бириктириб гап қуриш (шу жумладан, бир сўздан гап ҳосил қилиш) қоидалари, гапнинг структураси, функцияси, қўлланиши, гапларнинг ўзаро муносабати каби масалалар текширилади, бунда ҳодисанинг мундарижаси – мазмуни ҳам (ниманинг ифодаланиши), формаси ҳам (қандай йўл билан ифодаланиши) назарда тутилади.

¹ П.Гиро шундай деб ёзади: “La syntaxe est l’étude des relations entre les mots dans le discours” (P.Guiraud. La syntaxe du français.) P., 1962. p.11.

Нутқнинг грамматик форма, интонация ва мазмун жиҳатидан тугалликка эга бўлган мустақил парчаси гапдир. Сўз бирикмаси бундай хусусиятларга эга эмас, у гапда қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун гап ҳақида таълимот синтаксиснинг асоси саналади.

Синтаксис термини, грамматика терминининг ўзи каби икки маънода қўлланилади:

- 1) тилнинг синтактик қурилиши, унинг қонуниятлари;
- 2) тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги фаннинг грамматиканинг бир қисми.

Мавзунинг долзарблиги: Тилшунос олимларнинг синтаксиснинг тил системасида тутуган ўрнига бағишланган тадқиқотлари талайгина. Лекин ҳозирги даврда француз тилидаги содда гаплардаги синтактик муносабатлар сўз бирикмалари ва қўшма гаплардан алоҳида ҳоли тўлалигича ўрганилмаганлигидир.

Француз тилидаги содда гапларда синтактик муносабатларни тадқиқ этиш жараёнида асосий мазмун моҳиятини ёритиш ҳамда уларга хос бўлган хусусиятларни очиб бериш тадқиқотимизнинг долзарб жиҳатлари ҳисобланади.

Курс ишидан қўзланган мақсад ва вазифалар. Синтактик муносабатлар орасидан асосий эътиборни предикатив алоқа натижасида ҳосил бўлган содда сўзларнинг грамматик хусусиятларини очиб бериш ва улар ўртасидаги мослашув, битишув, бошқарув муносабатларни таҳлил қилиб, содда гаплардаги синтактик муносабатларнинг хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Курс иши олдига қўйилган вазифалар:

1. Синтаксис ҳақида тушунча бериш, асосий синтактик бирликларнинг гап қурилишидаги ўрнини аниқлаш.
2. Синтактик алоқаларни изоҳлашдаги содда гапларда мослашув, битишув, бошқарув шакллариининг вазифасини мисоллар орқали очиб бериш.

3. Француз тилидаги содда гапларда синтактик муносабатлар қандай амалга ошади ва уларни ўзбек тилига ўгириш муаммоларини ўрганиш.

Содда гаплар структурасидаги турли хусусиятлари, яъни гапнинг состави, бўлаклари, гап бўлақларининг ўзаро муносабати, қандай бўлақларнинг қўлланилганлиги асосида ҳар хил классификация қилинади.

Тадқиқот услубяти ва услублари: Ишни ёзишда лингвистик анализ ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тилшуносликда синтактик муносабатга доир баъзи мулоҳазалар

Л.Теньер гапда сўзлар орасидаги муносабатларни систематик таҳлил қилган ва уларни стемма сифатида тақдим этган биринчи француз тилшуносидир².

Л.Теньер морфологияни грамматиканинг асоси деб билувчи грамматик оқим йўналишидан қониқмайди.

Грамматиканинг асоси Теньернинг фикрича синтаксис бўлиб, унинг биринчи ғалдаги вазифаси гапдаги сўзнинг функциясини ўрганишдан иборат. Л.Теньернинг структурал йўналиши гармматикада алоҳида характер касб этади.

Л.Теньер тадқиқотидаги бу термин даставвал анъанавий грамматикани ёриб ўтишга бўлган интилишни ифода этади. У гармматиканинг анъанавий назариясидаги турли хил белгиларини ўз ишида мужассам этиш билан бирга, изчил бўлмаган синтактик таснифни қатъий танқид остига олади. Л.Теньер асосан синтактик муносабатларни морфологиялаштирган грамматик йўналишга қарши туради.


У сўз бўлакларини валентлик бирикиш хоссаларига, бошқа сўзлар иблан бирика олиш белгисига кўра фарқлайди. Улар боғланиши ва бажарадиган функциясига кўра сўз гуруҳлари сифатида ўрганилиши зарур. Сўз туркумлари марказий сўз билан тугун ҳосил қилади. Л.Теньер назариясида феълли, отли, равишли, сифатли боғламлар фарқланади.³ Гапда охирги иккита тугун иерархик бир-бирига тобе. Кенгайиш сўз туркумларининг бирикиш имконияти тугун маркази сингари нафақат грамматик балки, сўзнинг лексик валентлигига кўра, уларнинг тартибсиз бирикуви билан шартланган. Сўз гуруҳининг қўшиливи унинг кенгайишига тўсқинлик қилади.

Л.Теньернинг синтактик назарияси чизиқли синтактик муносабатлар чегараланмайди, аксинча гапдаги структурал тизимни ўрганиш зарурлигига ундайди. Унинг синтаксисида структурал муносабатларни ифодаловчи


² L. Tesnière. *Esquisse d'une syntaxe structurale*. P., 1953

³ Ўша асар. (102-190 бетлар) pp. 102-190


синтактик тобелик иерархиясининг жадвал стеммаси тасвирланган. Масалан, от категорияси тугунида от ва унинг аниқловчиси ўртасида схема куйидагича тасвирланган:



Л.Теньер назариясида структурал муносабатларнинг маркази феъл бўлиб, у иерархик жиҳатдан гапдаги барча элементларни ўзига бўйсундирган.



От категорияси ва феъл сўз туркуми орасидаги муносабат куйидаги стеммада очилади. (стемма 135)⁶



Л.Теньернинг синтактик тугуни синтагматик (интонация ва маъно жиҳатидан яхлит бўлган бир ёки бир неча сўздан иборат синтактик бирлик) муносабатларини икки йўналишда қамраб олади, ундаги икки томонлама тобелик муносабатларига диққат қилинади. Теньернинг от категорияси тугуни структурал схемага эга. Нутқда бу схемадаги тўғри сўз тартиби сўз

⁴ L. Tesnière. Elements de syntaxe structurale. P., 1959. p.145

⁵ Ўша асар, 102 бет

⁶ Ўша асар, 145 бет

бирикмаси ва гапнинг кенгайишига кўра синтактик элементларнинг кетма-кетлик тартибига бўйсунди.

Ш.Балли кўрсатиб ўтганидек, сўзларда синтактик муносабатларнинг асосий роли феъл ва предлогга тегишли. Эргаштирувчи боғловчи гапда эргашган қўшма гапларнинг икки томонлама синтактик муносабатларни ушлаб турувчи белги сифатида фақат предлогнинг вазифасини тўлдиради.⁷

Бу иккала синтактик конструкция ўртасида парадигматик муносабат ўрнатилади:

J'irai après / ton depart.

J'irai après / que tu seras parti.

Феъл семантик нуқтаи назардан лексик маъноларини назарда тутганда, конкрет муносабатларни ифодалашига кўра предлоглардан фарқланади, феълнинг марказда туриши синтактик муносабатларнинг мураккаблиги жиҳатидан предлог орқали фарқланади.

Феълнинг субъекти ва объекти вазифасини бажарувчи фақат от ёки унинг субстантиви бўлиши мумкин. Структуравий синтаксис айтишда функционал синтаксиси ҳамдар. Л.Теньернинг айтишича от категорияси ва ҳол ўртасидаги фарқ етарлича аниқ белги хусусиятига эга эмас, уларнинг семантик фарқини аниқлаш қийинроқ кечади.⁸

Бошқа тилларда бўлгани каби Теньер назарияси бўйича феъл гап тузилишининг маркази энг кулминацияси ҳисобланади, бошқа сўз туркумлари у билан муносабатга киришиб, унинг хусусиятига кўра боғланади.

Структура ва семантика, дейди Л.Теньер, автоном ва ягона мазмун жиҳатдан турли хил услублар тилларни типологик чоғиштиришга асос бўлади.

Л.Теньернинг китоби янги ғояларга бой, француз тилшунослиги бўйича қилинган катта ишлардан биридир. Бу китобнинг энг катта боби Ш.Баллининг трансляция муаммосига бағишланган ишини давом эттиришига

⁷ Pottier B. Op.cit. pp.71-72

⁸ L.Tesnière. Op.cit. p.39

бағишланган бўлиб, унинг тадқиқотидаги назарий қисмни кенгайтириб, механизмини изчиллик билан муҳокама қилди.

Л.Теньер трансляция назарияси морфология ва синтаксис ўртасидаги муносабатлар сўз гуруҳлари орасидаги синтактик функциялар назарияси юзасидан фикр алмашинувчи концепцияни ифода этди. Сўзни энг кичик функционал бирлик деб ҳисоблаб, Л.Теньер барча сўз туркумларини синтаксис нуктаи назаридан ўрганиб чиқди. Сўз туркумлари орасидаги функционал муносабатларнинг тармоқланган системасини намоён этади.

Теньернинг синтактик назарияси грамматик назариянинг ривожига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Актант (от сўз туркуми) назарияси гап тузилиши элементи сифатида А.Греймас, К.Хегер, В.Г.Гакнинг тадқиқотларида бойитиб борилган.

А.Мартиненинг функционал синтаксиси

А.Мартиненинг функционал назариясида синтаксиснинг алоҳида йўналиши тадқиқ этилган.⁹

Фикр, сўз монемага бўлинади. (тилнинг энг кичик маъноли қисми) гапда мантиқий изчилликда тузилади.

Сегмент (бўғин) занжирлари орасидаги муносабатларни ифодалаш учун турли хил усуллар бўлиши мумкин. Бу мақсад учун функционал монемаларнинг тартибидан фойдаланиш мумкин, Мартиненинг фикрича монеманинг 3 турини ажратиб кўрсатади: автоном, функционал ва тобе (*monèmes dependants*). Автоном монемлар ўз функциясини ажратиб кўрсатади ва буни бажариш учун бошқа монемаларга тобе бўлмайди: Hier, il y avait fête au village. Функционал монемалар бошқа монемаларнинг автономлигини хабар қилади: avec mes valises, sur le chemin.

Тобе монемалар бундай вазифани бажармайди. Тобе бўлак от ҳам бўлиши мумкин, ўз функциясини ифодалаши учун улар алоҳида позицияга ёки функционал монемага эҳтиёж сезади.

⁹ Martinet A. Elements of Functional syntax. "Word", vol 16 №1, 1960, pp. 1-10; Elements de linguistique générale P., 1961, pp. 106-110. L'autonomie syntaxique. Actes du colloque tenu à Liège., 1964 ;

Sur le chemin синтагмасыда иккита грамматик монем мавжуд, функционал sur ва тобе le, бироқ “sur” предлогисиз le chemin артикл билан кўлланда, гапда ҳеч қандай вазифага эга бўлмайди. Артикл гапни яхлит ҳолга олиб келмайди, “chemin” сўзини гап таркибига киритмайди, фақатгина “chemin” сўзига тегишли бўлган аспектлардан бирини аниқлайди. Chemin ombragé, montant.

Айнан битта монема бажарадиган вазифасига кўра автоном ёки функционал бўлиши мумкин. “Les enfants s’ennuient le dimanche” жумласида “le dimanche” сўзи автоном, бироқ le dimanche est le jour où l’on s’ennuie жумласи эса функционал мазмунга эга.

Феълли монемалар монемалар орасида алоҳида ўрин эгаллайди: улар бошқа элементларни гапда боғлаш учун асосий база бўлиб хизмат қилади. А.Мартиненинг фикрича феъл сўз туркуми автономлиги билан эмас, балки мустақиллиги билан ҳарактерланади. Чунки феълнинг функциясини кўрсатиш шарт эмас, у ҳар доим предикатив монемадир. А.Мартине¹⁰нинг бошқа лингвистлар назариясидан фарқли ўлароқ бажарадиган вазифасига кўра маънонинг асосий умумий принциплари айтиб ўтилган.

Синтактик алоқаларни ифодаловчи воситалар

Синтаксис сўзнинг гап қурилиши қонуниятлари билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам синтаксиснинг проблематикаси уларни ўзаро боғлайдиган умумий нарсалар бир томондан нутқ самарасининг психолингвистик жараёнини ўрганса, бошқа томондан маълум бир жанрдаги матнни стилистик жиҳатдан таҳлил этади. Гап тугал фикрни ифодаловчи тил шаклидир. Шунинг учун ҳам синтаксисда туғиладиган муаммолар кўп ҳолларда фикр тизимини ўрганувчи фан – логикага мурожаат қилишни талаб қилади.

Синтактик алоқаларни ифодаловчи воситалар: сўз формалари, ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби ва интонация. Демак, синтаксис алоқа воситаларининг

¹⁰ Martinet A. Elements de linguistique générale P., 1961, pp. 108-110

кўринишлари қуйидагича: формал грамматик воситалар, лексик-грамматик воситалар, позицион воситалар ва интонацион воситалар.

Сўз формалари синтактик вазифани бажарувчи детерминативлар – сўз ўзгартирувчилардир. Сўз ўзгартирувчилар бир сўзнинг бошқа сўз билан боғланишини, умуман синтактик алоқаларни ифодалашдаги грамматик воситаларнинг энг активидир.

Мослашув, бошқарув, битишув каби тобелик муносабатларини кўрсатувчи бу формаларнинг ҳар бири маълум маънони ифодалайди: «Қўлланиш ва функцияси маънодан ташқари билинадиган форма йўқдир.»¹¹

Мослашувда боғланган компонентлар (икки сўз) бир-бирига мувофик уйғун тусга киради. Тобе сўз шу алоқага хос – ҳоким сўзга мос формада келади: ҳоким сўз ўзгариши билан тобе сўзнинг формаси ҳам шунга мос формага ўтади – ўз шаклини унга тенглаштиради.

Масалан: **de belles fleurs; Elles sont venues** ва х.к.

Француз тилида қуйидагича мослашув формалари мавжуд:

а) синтактик гуруҳларда родда ва сонда: предикатив (эга+кесим – **elles sont venues**), атрибутив (от+сифат ёки детерминативлар: **cette belle fleur**) объектли (мураккаб кесим ва феъл олдидан келувчи тўлдирувчи: **les mesures qu'on a prises**);

б) шахсда – предикатив гуруҳларда (**les enfants jouent**);

в) замонда – қўшма гапларда: **il dit qu'il partira; il a dit qu'il partirait**.

Француз тилида мослашувдан фойдаланишнинг қуйидаги ҳарактерли хусусиятлари мавжуд:

1) Аниқ сўзга тобе бўлган мослашувнинг доимий эмаслиги, масалан: **les intérêts nationaux** – родда ва сонда мослашув, **les écrivains célèbres** – фақат сонда (ва фақат ёзма нутқда) мослашув.

Je vais, il va каби феъл формалари олмош билан ҳам сонда, ҳам родда мослашади, **je parle, il parle** сўзи фақат сонда мослашади. Мослашувнинг доимий эмаслиги француз тили морфологиясининг ҳарактерли хусусияти

¹¹ Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. М., 1958; Т.4. М., 1977

билан боғлиқ. Тилда мослашувнинг бу хусусияти унинг ролини камайтиради.

- 2) Оғзаки ва ёзма нутқ ўртасидаги фарқ. Улар ўртасидаги фарқ мослашувда муҳим аҳамият касб этади. Ёзма нутқда сўзлар ўртасида мослашувга доим амал қилинади (сонда ўзгармайдиган от ва сифатлардан ташқари: **un homme heureux – des hommes heureux**). Оғзаки сўзлашувда мослашув кам учрайди.

Аниқловчили гуруҳда родда мослашиш кўпроқ бўлиб, детерминативларни ҳисобламаганда 45% ни ташкил этади. Энг кўп ишлатиладиган 50 та атрибутив гуруҳлардан 27 таси иккита формага эга. Буларнинг ҳар бештасидан биттаси оғзаки сўзлашувда учрайди ва 30% родда ўзгаради – **petit, grand, bon, premier, beau**.

Предикатив гуруҳда эса мослашув алоҳида феълларда учрайди (**il est mort – elle est morte**). Феълли шаклларда II ва III гуруҳ феълларидан 600га яқини энг кўп ишлатилади ҳамда родда ва сонда ўзгаради: **il est – ils sont; il met – ils mettent**. Оғзаки сўзлашувда мослашув вазифасини **liaison** бажаради. Баъзан **liaison** сўзлар орасида маълум аҳамиятга эга бўлмайди ва ҳаттоки ёзма нутқ орасидаги фарқни кўрсатувчи белги сифатида намоён бўлади. Камдан-кам ҳолатларда у морфологик ҳарактерга эга бўлади ва сўз шакллари орасида мослашувни таъминлайди, айниқса, сонни, баъзида родни ифодалаганда: **lignes aériennes, lumières éparses, tu avais eu étoiles éteintes**.

Мослашувнинг вазифаси. Француз тилида мослашув гапда грамматик ифодаланиш воситаси сифатидаги ҳолатини йўқотади. Шу сабаб замонавий француз тилида функционал аҳамияти тўғрисидаги масала кўндаланг бўлади. Кўпчилик лингвистлар мослашувни ҳудди ҳеч қандай манбани етказмайдиган ва функционал вазифаси бўлмаган француз тилида эскирган тушунча сифатида ўрганиб чиқадилар. Бунинг учун улар грамматик маъноли от ва феъл категорияси билан келувчи детерминантлар ва олмошларнинг ролининг аҳамиятини кўрсатадилар. Бироқ, мослашув ёзма нутқда фақат орфография нуқтаи назаридан эмас, балки француз тилини ўрганувчилар

учун лингвистик реалия жиҳатидан ўзининг аҳамиятини сақлайди. Оғзаки ва ёзма нутқ формасини француз тилининг иккита тенг ҳуқуқли морфологик варианты сифатида баҳолаш мумкин. Баъзи пайтларда у сўзлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга имкон беради. **“Les importations de vin français ёки les importations de vin françaises¹²”** сўз бирикмаларининг роди сифатининг қайси родга тегишли эканлигини кўрсатяпти. Сонда мослашувнинг оғзаки нутқда тушиб қолиши баъзан икки маъноликни келтириб чиқарадики, бу икки ҳилликдан қочиш учун қўшимча манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади. Бунинг учун радиодиктор нутқини мисол қилиб олса бўлади: **Ceci sur la base de solutions politiques (solution au pluriel); Négociations, discussions, tractations (le tout au pluriel)...**¹³

Замонда мослашув ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мослашув ҳодисаси сўз бирикмасининг доираси билангина чегараланмайди. Эга билан кесим ҳам мослашув йўли билан боғланади. Предикатив қўшилишдан мослашув билан сўз бирикмасидаги мослашув бир қанча хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Демак, сўз бирикмасидаги мослашув ҳаракат, белги, ё предметнинг қайси предметга тегишли эканлигини кўрсатади. Предикатив мослашув эса грамматик ва семантик мослашувни ўз ичига олади.

Француз тилида бошқарув муаммолари. Бошқарув синтактик муносабат турларидан бўлиб, тобе сўз ҳоким сўзнинг талаби билан ўз формасини ўзгартиради. Одатда бошқарув эргаштирувчи боғловчи сифатида баҳоланади. Бошқариш тушунчаси форма ёки мазмун жиҳатидан чегараланади.

Мазмун йўналишида бошқарув кенг ёки тор маънода изоҳланиши мумкин. Кенг маънода бир сўзнинг бошқа сўз билан (мослашувда бўлмаган) тобеликнинг барча кўриниши тушунилади ва бу фақат феълнинг от билан боғланишига тааллуқли бўлмай, феъл майлларига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Масалан,

¹² Bonnard A. Articles de grammaire et de linguistique. – In: Grand Larousse de la langue française. P. 1972-78

¹³ Sauvageot A. Français d’hier ou français de demain P., 1978 p.31.

Savoir феъли индикативни, vouloir феъли субжонктивни бошқаради. **Je sais qu'il vient, Je veux qu'il vienne.** Яъни биринчи гапда бош гапдаги “savoir” феъли аниқлик нисбатида бўлиб, эргаш гапдаги феълни ҳам индикативда келишини бошқариб келяпти. Иккинчи гапдаги “**vouloir**” модал феъл бўлиб, ўзига тобе бўлак феълни субжонктивда қўлланилишини талаб қилади. Тор маънода бошқарув от формасининг бошқа сўз билан тобеълик муносабати тушунилади.

Бошқарувчилик ролини феъллар (соф феъл, равишдош, сифатдош, ҳаракат номи) бажаради, баъзан, исталган сўз туркумидаги сўз бошқарувчи бўлиб келиши мумкин:

Le tumulte s'apaisait; C'était le seul moment de liberté; Qui ne fait châteaux en Espagne, ва ҳ.к.

От билан боғланишда предлог катта роль ўйнайди, уларнинг орасида энг кўп қўлланиладиган à, de предлогидир: **une table de bois, une machine à coudre, une sale à manger...**

Кўриниб турибдики, бошқарилувчининг формаси етакчи сўзнинг лексик маъносига грамматик ҳусусиятига қараб белгиланади (масалан, ўтимли феъл воситасиз тўлдирувчини талаб этади: **construire une maison, faire le devoir**)

Бошқарув асосан, ҳаракат билан объект, белги билан предмет муносабатини ифодалайди.

Бошқарув отнинг ёки от вазифасидаги сўзнинг бошқа бирор сўзга – феълга ёки сифатга, равишга, отга эргашиш йўли билан боғланувини кўрсатади.

Бошқарувнинг морфологик шакли жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, унда рус ва ўзбек тилидаги сингари келишиқ қўшимчаси йўқ. Чунки француз тилида келишиқда турланиш формаси йўқ. Шу сабаб, бошқарув сўзнинг синтактик шакли сифатида предлог тушунилади. Шунинг учун француз тилида предлогли бошқарув тўғрисида гап кетади. Француз тилида синтактик бошқарув таркибига тўлдирувчини алмаштириб келувчи **le, en, y** тўлдирувчи олмошлари ҳам келади: **le dire, en parler, y penser** ва ҳ.к.

Келишик кўшимчаларини олиб келувчи морфологик ва предлогли синтактик бошқарув кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Кучли бошқарув феълнинг мажбурий бирикувини келтириб чиқаради: Je pense à mon fils; кучсиз бошқарувда сўзларни боғланиши мажбурий эмас: Il écrit au crayon.

Битишув. Бундай боғланишда бириккан сўзларнинг ўзаро алоқаси, асосан, тартиб ва интонация орқали белгиланади.

Битишувда боғланишнинг – тобеланишнинг морфологик кўрсаткичлари бўлмаса ҳам (мослашув ва бошқарувдаги каби), бу ҳодиса бошқа воситалар орқали ифодаланган бўлади. Демак, битишув “шаклланмаган” сўзнинг бошқа бирор сўзга тобеланиб боғланишидир. Бунда тобе сўз формал жихатдан ўзгармайди.

Битишув муносабатида предмет билан белги, ҳаракат билан белги, белги билан белги муносабати ифодаланади.

Бу типдаги боғланишларда от, феъл, сифат ва равиш ҳоким бўлади.

Битишувларда компонентларнинг ҳоким тобелик ҳолати, асосан, тартиб орқали белгиланади.

Синтактик муносабатларни ифодалашда морфологик манбалар ва ёрдамчи сўзлар етарли эмас, шу сабаб, улар алоҳида қисқа синтактик гуруҳлар билан тўлдирилади.

Бу ерда “синтактик группа” термини предикатив ва нопредикатив сўз бирикмаларини билдиради. Француз тилидаги гапда сўз синтактик вазифани бажарувчи синтактик гуруҳ сифатида намоён бўлади. Синтактик гуруҳни биз учта асосий гуруҳ асосида қараб чиқамиз: предикатив (S+V), тўлдирувчи билан ифодаланган (V+O), аниқловчи (N+C).

1. Компонентларнинг доимий сўз тартиби. Сўз тартибига кўра тобе бўлак ҳоким сўз кетидан келади:

а) предикатив гуруҳда эга феълнинг олдидан келади, унинг инверсияси чегараланган: Pierre marche;

б) Объектли гуруҳда тўлдирувчи феълни кетидан келади: *Pierre lit un livre*. Инверсия қилиш имконияти предикатив гуруҳга қараганда янада чегараланган.

в) аниқловчили гуруҳда, аниқловчи от ёки сифатдош билан ифодаланади, отдан (N) сўнг келади (*des travaux de campagne, un murmure charmé*).

65% сифатлар кўпчилик ҳолатларда отдан (N) кейин келади, сўз маъносига кўра отдан олдин ёки отдан кейин (*un grand home – un homme très grand*) ёки аниқловчининг семантик тури (баҳоловчи ва чегароловчи)га қараб келади. Қиёслайсиз: **la sale guerre va une robe sale**.

2. Бўлинмас гуруҳлар. Гапнинг бош бўлаклари ўзаро алоқа ҳолатида, бошқа ихтиёрий сўз билан боғланиб кетмайди. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) элементлар компонентлар орасидан биттаси билан қалин боғланган, масалан, S ва V орасидаги отнинг аниқловчиси, V ва O ўртасидаги ҳол, кесим билан ягона битта бўлакни ташкил этувчи ёки тўлдирувчининг аниқловчиси жойлашиши мумкин: *Les gens de la côte appellant notre pie, l'huître. Il reçut pour sa fête une belle tête phrénologique*;

б) Гапнинг асосий структурасига кирмаган элементлар синтактик муносабатларга кучсиз киришади. Булар гап бўлақларини ажратиш, кириш сўзлари, эргашган қўшма гаплар: *son père, un bonnetier retiré, complète son education en lui confiant, chaque soir, la quatrième page de son journal*.

La citerne, qu'il fit creuser par un architecte dont une réclame lui avait donné l'adresse, s'écroula.

Демак, S ва V орасига узун қўшма гапни жойлаштириш мумкинб бироқ энг қисқа тўлдирувчини жойлаштириб бўлмайди: * **Pierre ce livre lit**.

Элементлар киритилиши билан гуруҳларнинг бўлинишидан сўз маъносининг бузилишига олиб келмайди: аксинча, у элементларнинг бир бири билан зичроқ бирикувига олиб келади. Буни ритмик фразада яққол

кўришимиз мумкин: ажратувчи элемент юқори темпда ва пасайган тонда талаффуз этилади:¹⁴

En lui confiant chaque soir la quatrième page

3. Тўлиқ синтактик гуруҳ. Синтактик гуруҳ тўлиқ бўлиши керак. Француз тилида агар бирор сабаб муносабати билан компонент тушуриб қолдирилса, унинг ўрни алоҳида ёрдамчи сўзлар билан алмаштирилади. Француз тилида гапда отлашган сўзни алмаштириб келувчи алмаштирувчи сўз (субститут) элементи мавжуд:

а) предикатив гуруҳда субститут ўрнига мустақил бўлмаган олмошлари чиқади: **il, elle, ce**; шунга кўра гуруҳда 2 хиллик юзага келади. Предикатив гуруҳнинг икки составлик тенденцияси 1 ва 2 да (отни (N) алмаштирганда) ва ҳатто субъектсиз гапларда: шахсиз (**il pleut**) ва шахси номаълум (**on dit**) гапларда қўлланиши шарт.

б) тўлдирувчили гуруҳларда **le, la, les, en** ва бошқалар субститут ҳисобланади. Субъектли олмошлардан фарқли ўлароқ, субститут олмошлари ҳар бир феъл олдида тўлдирувчи сифатида ишлатилади:

Alors, il allait donc la chaser, la mettre à porte, pour ne jamais la revoir.
Тўлдирувчи олмош (субститут)нинг гапда тушиб қолиши мумкин эмас.

в) атрибутив (аниқловчили) гуруҳда гапнинг бош бўлаги **celui de, qui..., le (+adj), le, la, en** олмошлари билан алмашинади. **Il emporta sa collection de gilets. Il en avait de gris, de blancs, de noirs.**

Синтактик гуруҳ орқали француз тили синтаксиси сўз тартибининг ўзига хос белгилари, ажратиш частотаси, олмош характериға эға бўлган ёрдамчи сўзлар, логик ажратишнинг специфик ҳусусиятлари муҳим белгиларини тушунтириш мумкин.

Интонация. Интонация ҳам турли синтактик алоқаларни, грамматик-фикрий ҳолатларни ифодалашда хизмат қиладиган воситадир. У нутқдаги бўлақларнинг бир бутун, яхлит ҳолатини кўрсатади, гапнинг мазмуни,

¹⁴ Blinkenberg A. L'ordre des mots en français moderne. Kobenhavn, 1928.

грамматик тугаллигини, гапдаги сўзларнинг, бирикмаларнинг, айрим гапларнинг турли муносабатларини ифодалайди, гапнинг мазмунидаги ҳар хил ҳолатларни, гапнинг турини, унинг қандай қисмларга бўлинишини, ундаги айрим бўлақларнинг ажратилганлигини билдиради.

Интонация орқали гапдаги сўзларнинг группаланиши синтактик бўлиниши, элементларнинг ўзаро қандай боғланганлиги ифодаланади. Француз тилида грамматик алоқа, ритмик группа, сўз синтагмаси интонация билан боғланади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, предикативлик гапнинг ўзига хос белгисидир. Синтаксик даражада предикативлик бир-бирини тўлдирувчи икки қарама-қарши бўлақ – эга ва кесим (S+V) муносабатида намоён бўлади, одатда француз тилида кесим феъл шаклига эга бўлади. Икки составли феъл француз тили синтактик тузилишининг асосидир.

Семантик – синтактик параллелликдан четга чиқиш предикативлик муносабатларни ифодалашда икки тилли ассимметрияни яратади.

1. Гапда предикатив муносабатларнинг шартли бўлақларидан бирининг изоҳи ифодаланган. Гапнинг бу формаси қисқа синтактик структурали гаплар дейилади.
2. Ягона ва расмий планда гаптиқ предикативлик муносабатларни ўзида мужассам этади. Шу тариқа мураккаблашган ва қўшма гаплар ҳосил бўлади.

Хулоса

Биз француз тилидаги содда гаплардаги синтактик муносабатларнинг ифодаланишини ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Синтаксиснинг асоси гап ҳақидаги таълимот бўлиб, синтаксисда сўзларни бириктириб гап қуриш қоидалари, унинг структураси, функцияси, қўлланилиши, гапларнинг ўзаро муносабати каби

масалалар текширилади, бунда ҳодисанинг мундарижаси — мазмуни ҳам (ниманинг ифодаланиши) формаси ҳам (қандай йўл билан ифодаланиши кўзда тутилади).

2. Структурал синтаксис назариясига кўра феъл гап тузилишининг маркази энг кулминацияси ҳисобланади, бошқа сўз туркумлари у билан муносабатга киришади.
3. Синтактик бирликлар бир неча компонентли бўлибЮ улар орасидаги синтактик алоқа икки хил: предикатив алоқа (гап ҳосил бўлади) ва предикатив бўлмаган алоқа (сўз бирикмаси ҳосил қилади).
4. Синтактик алоқаларни ифодаловчи воситалар: сўз формалари, ёрдамчи сўзлар, сўзлар, сўз тартиби ва интонациядир.
5. Сўз бирикмасининг, содда ва компонентларининг орасидаги боғланиш — бундаги ҳоким ва тобе сўзларнинг боғланиш формалари, тобеланиш уч хил: мослашув, бошқарув ва битишув. Буларни белгилаш ва фарқлаш компонентлар ва улар орасидаги алоқанинг семантик — грамматик, формал хусусиятларига асосланади.
6. Мослашувда тобе сўз шу алоқага хос ҳоким сўзга мос формада келади.
7. Бошқарув — ҳаракат билан объект, белги билан предмет муносабатини ифодалайди.
8. Битишув муносабатида тартиб ва интонация катта роль ўйнайди.
9. Гап фикр баён қилишнинг энг содда формаси бўлиб, у уч даражада таҳлил этилади: семантик, логик — коммуникатив ва синтаксик.
10. Ҳар бир гапнинг реал борлиқ ҳақида бирор фикр, хабар баён қилиши гап мундарижасининг воқелик билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бу ҳодиса — гап мундарижасининг реал воқелик билан алоқадорлик ҳодисаси предикация саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алисова Т.Б. Очерки синтаксиса современного итальянского языка. М., 1971.
2. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М., 1955
3. Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. М., 1987
4. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Морфология. М., 1986
5. Гак В.Г. Русский язык в сопоставлении с французским. М., 1988
6. Илия Л.И. Синтаксис современного французского языка. М., 1962.
7. Шигаревкая Н.А. Очерки по синтаксису современной французской разговорной речи. Л., 1970
8. Andrievskaya A.A. Syntaxe du français moderne. М., 1978
9. Benveniste E. Problemes de linguistique generale. P., 1986
10. Referovskaia E.A. Essai de grammaire française. Cours theorique. Partie 2. М., 1983
11. Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик – синтактик асиметрия. Ўзбек тили ва адабиёти. Т., 1980. № 3.
12. Фуломова А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т., 1987

